



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 - yil 13 - noyabr

VI-26-47-6-0-K/21

Namangan viloyati hokimligi

Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг вилоят ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича 2021 йилнинг тўққиз ойи давомида ижроси тўғрисида

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Атаходжаевнинг вилоят ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини ташкил этиш ҳолати тўғрисидаги ахборотини тинглаб, ўтган давр мобайнида мазкур масала юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, ўтган давр мобайнида Ички ишлар органлари фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, имкониятлар кучайтирилди, янгича тизим асосида вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишда биринчи навбатда, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, яратиб берилган шарт-шароит ва омилларини бартараф этишга эътибор қаратилди, ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик янада кучайтирилди.

Жиноятларни содир этилишига асосий сабаб бўлаётган, оилалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш биринчи даражали профилактик тадбир сифатида белгилаб олиниб, вилоятдаги барча оилаларни ўрганиб чиқиши йўлга қўйилди.

Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, диний идоралар ва бошқа масъул

ташкilotлар билан ҳамкорликда ҳар бир хонадондаги ижтимоий-маънавий муҳит, турмуш даражаси, аҳоли саломатлиги, бандлиги ва бошқа муаммоларни ҳал этиб келинмоқда.

Оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг аксарияти оилавий низолар ортидан келиб чиқаётганлигини инобатга олиб, оилаларни ўрганиб чиқиш жараёнларида, 1785 та низоли оилалар аниқланди, шундан барчаси муҳокама қилиниб, 916 таси нотинчлигига барҳам берилиб, 685 таси ажралишдан сақлаб қолинди. Бундан ташқари 2425 нафар дайди ва тиламчилик билан шуғулланган шахслар огоҳлантирилиб, 6 нафари реабилитация марказига жойлаштирилган. 34855 нафар шахслар таянч пунктларига, 8741 нафари ички ишлар бўлимларига келтирилиб, якка тартибдаги профилактик суҳбатлар ўтказилган. 87589 нафар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. 22125 нафар шахслар профилактик ҳисобга олиниб, тузалиш йўлига ўтган 455 нафари ҳисобдан чиқарилди.

Соғлиқни сақлаш ҳисобидаги 2328 нафар шахсларнинг 864 нафари мажбурий даволаш муассасаларига ётқизилди. 414 нафар шахслар суд, 331 нафар шахслар прокуратура, 190 нафардан ортиқ шахслар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мажбурий тартибда келтирилди.

Шунингдек, 113 та “Сайёр суд” мажлислари ўтказилиб, уларда 1216 та ҳужжатлар кўриб чиқилди, жами 723 нафар ҳуқуқбузарлар маъмурий камоққа олиниб, “жиноятга жазо муқаррар” эканлиги таъминланди.

Бундан ташқари, жиноятчиликни олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кучайтирилиб, 2889 маротаба жиноятларни келиб чиқиш сабаблари муҳокама этилди, 5270 маротаба вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш бўйича муҳокама йиғилишлари ўтказилди, 3905 маротаба паспорт-виза қоидалари бўйича, 3060 маротаба йўл ҳаракати қоидалари бўйича, 390 маротаба мулкий турдаги жиноятларни олдини олиш бўйича давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

2021 йил 9 ойи давомида жами 2110 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали, шундан телевидение орқали 384 маротаба, радио орқали 339 маротаба, газета орқали 281 маротаба, интернет тармоқлари орқали 1106 маротаба чиқишлар ташкил этилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 777 та маҳаллаларнинг 251 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади,

332 тасида камайишига эришилди.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида:

-қотиллик (23/23) барқарор сақланди, Мингбулоқ ва Уйчи туманларида,

-талончилик Мингбулоқ, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон ва Янгиқўрғон туманларида,

-босқинчилик Мингбулоқ, Косонсой, Наманган ва Янгиқўрғон туманларида содир этилишига йўл қўйилмади.

Ўтган 9 ой давомида бир қатор ютуқларга эришилган бўлсада, йўл қўйилган айрим камчиликлар натижасида, умумий жиноятлар 2601 тага ёки 111,97 фоизга (2323/4924) ошган.

Шунингдек, ўта оғир турдагилари 68 тадан 139 тага, 104,4 фоизга, оғир турдагилари 374 тадан 1024 тага, 173,8 фоизга, унча оғир бўлмаган турдагилари 653 тадан 1417 тага, 117,0 фоизга ошиб кетди.

Жиноят турларидан, оғир тан жароҳати етказиш 27 тага (44/71) ёки 61,4 фоизга, номусга тегиш 9 тага (2/11) ёки 450,0 фоизга, талончилик 9 та (13/22) ёки 69,2 фоизга, босқинчилик 8 та (12/20) ёки 66,7 фоизга, ўғрилиқ 397 тага (312/709) ёки 127,2 фоизга, фирибгарлик 472 тага (299/771) ёки 157,9 фоизга, безорилик 153 тага (125/278) ёки 122,4 фоизга, ўлим билан тугаган ЙТХлар 18 тага (123/141) ёки 14,6 фоизга, транспорт воситасини олиб қочиш 15 тага (4/19) ёки 375,0 фоизга, енгил тан жароҳати етказиш 160 тага (94/254) ёки 170,2 фоизга, ўртача оғир тан жароҳати етказиш 67 тага (73/140) ёки 91,8 фоизга ошди.

Жиноятчиликни олдини олиш бўйича белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятдаги 777 та маҳаллаларда содир этилган жиноятлар тахлилига кўра, 251 тасида (32,3%) жиноят содир этилмаган маҳаллалар “яшил” ҳудудга, 332 тасида (42,7%) жиноят сони камайган (барқарор бўлган) маҳаллалар “сарик” ҳудудга, 194 тасида (25,0%) жиноятлар сони ўсган маҳаллалар “қизил” ҳудудга киритилди.

Республикамизда хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд муаммоларини ҳал этиш, уларни бандлигини таъминлаш орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш энг асосий вазифа этиб белгиланган бўлсада, лекин 9 ой мобайнида вояга етмаганлар

томонидан содир этилган жиноятлар 48 тага (43/91), ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар 517 тага (462/979), аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 227 тага (179/406), ортиб кетишига йўл қўйилди. Вилоятда жами жиноятларнинг 8,2 фоиз аёллар хиссасига тўғри келган.

Айниқса, оила-турмуш доирасидаги мавжуд муаммоларни ҳам ўз вақтида аниқлашга қаратилган тадбирлар етарли даражада олиб борилмаганлиги сабабли 44 та оила турмуш доирасидаги жиноятлар содир этилишига йўл қўйилди.

“Ёшлар” орасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни бандлигини таъминлаш, муаммоларини бартараф этилиши борасида Ёшлар билан 25 маротаба учрашувлар ўтказилди (Наманган шаҳри ва барча туманларда).

Учрашувларда 15 мингдан ортиқ Ёшлар иштирок этиб, улардан турли мазмундаги 392 дан ортиқ мурожатлар ҳамда 80 дан ортиқ таклифлар билдирилди. Билдирилган мурожаат ва таклифларни 151 таси жойида ҳал этилиб, 75 таси юзасидан жойида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 70 таси бўйича тегишлилиги юзасидан давлат ташкилотларига юборилиб ҳал этиш чоралари кўрилди.

Вилоятда вояга етмаганларни тарбиялаш, уларни етук баркамол инсон бўлиб етишишлари бўйича барча таълим муассалари билан ҳамкорликда бир катор тадбирлар олиб борилди.

Жумладан: жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш мақсадида, таълим муассасаларида 777 маротаба “Давомат”, 797 маротаба “Тиғ”, 408 маротаба “Ўқувчи” ва “Тун” тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар давомида 2510 нафар назоратсиз юрган вояга етмаганлар аниқланиб, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. 148 нафар вояга етмаганлар (16 нафар қиз болалар) ва уларга таълим тарбия бериш мажбуриятларини бажармай келган 157 нафар ота-оналари профилактик ҳисобга олинди. 378 нафар назоратсиз юрган, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази”га жойлаштирилди.

Лекин, олиб борилган профилактик тадбирларга қармасдан, жорий йилнинг 9 ойида 138 нафар вояга етмаганлар томонидан 91 та жиноят содир этилишига йўл қўйилган. Ушбу жиноятларни 132 нафар ўғил болалар, 6

нафар қиз болалар томонидан содир этилган. 91 нафар мактаб ўқувчилари, 30 нафар касб-хунар таълими ўқувчилари, 17 нафар ўқимасдан ишламай юрган вояга етмаганлар.

Вояга етмаганлар жинояти, Наманган шаҳар (17/38), Мингбулоқ (0/1), Косонсой (2/4), Наманган тумани (1/3), Норин (3/6), Поп (4/6), Тўрақўрғон (0/3), Уйчи (1/4), Учқўрғон (3/6), Янгиқўрғон (3/13) туманларида ортиб кетган.

Ўтган 9 ой давомида, Пробация назоратида турган шахслар билан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 5.238 нафар назоратда турган шахслар томонидан қайта жиноят содир этишларига йўл қўймаслик мақасида 3 та тоифага бўлиб, уларнинг 3.509 нафари тузалиш йўлига ўтганлар, 1131 нафари жиноят содир этишга мойиллар, 598 нафар жиноят содир этиш хавфи юқори бўлганлар тоифаларига ажратилган ҳолда қайта жиноят содир этишларига йўл қўймаслик бўйича профилактик тадбир кучайтирилди.

Бу борада олиб борилган ижобий ишларга қарамай пробация ҳисобида турган шахслар томонидан 12 та (2020 йил 9 ойида 14 та) жиноят содир этилишига ҳам йўл қўйилган. Жумладан, Поп туманида 1 та қотиллик, Наманган шаҳрида 4 та, Наманган туманида 1 та ўғрилик, транспорт воситасини олиб қочиш Наманган шаҳар ва Уйчи туманида 1 тадан, Уйчи ва Чуст туманларида 1 тадан ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш, Мингбулоқ туманида 1 та енгил тан жароҳати етказиш, Янгиқўрғон туманида 1 та фирибгарлик жиноятлари содир этилган.

Муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармонлари билан ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизми яъни, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш ва бошқа бир қатор ишларни амалга оширилиши белгиланганлиги, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида “маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани” ташкил этилиши маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва

жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этилишида асос бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, биринчи босқичда, вилоятдаги 554 та таянч пунктларидан 40 таси “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани” айлантириш чорлари кўрилди.

Маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тезкор-профилактик тадбирларни “Маҳаллабай” ҳамда “хавфсиз ҳовли” тарзида ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Наманган вилояти ИИБнинг 2021 йил 30 март кунги 47-сонли фармойиши ишлаб чиқилиб, бошқарма ва жойлардаги ички ишлар бўлимларининг барча раҳбарлари ва масъул ходимлари маҳаллаларда яқиндан ёрдам кўрсатиш бўйича бириктирилган.

Тадбир давомида 463.360 та хонадонлар ўрганилиб, 39.207 та муаммолар мавжудлиги аниқланди. Аниқланган муаммолардан 32.341 таси ваколат доирасида ҳал этилди, 6.866 таси тегишлилиги бўйича ҳал этиш учун ташкилотларга юборилди.

Жумладан, 1.028 нафарига ишга жойлаштиришда, 13 нафарига уй-жой билан таъминлашда, 260 нафарига турли хил кредитлар олишда, 165 нафарига тиббий ёрдам кўрсатишда, 343 нафарига моддий ёрдам олишда, 44 нафарига паспорт олишда, 3 нафарига яраштириш ишларида, 20200 нафарига бошқа ҳуқуқий масалаларда ёрдамлар кўрсатилди.

Вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика ишларини янада кучайтириш мақсадида, халқ депутатлари вилоят Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Атаходжаевнинг вилоят ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашлари кенгайтирилган сессиялар ўтказиб, унда ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолатларини таҳлил этсинлар ва зарур чора-тадбирлар белгиласинлар.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Мусаев), вилоят Ички ишлар

бошқармаси (А.Атаходжаев)га 2021 йил 9 оyi якуни бўйича жиноятчилик содир этилмаган маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ва профилактика инспекторларини моддий рағбатлантириш, ҳамда ўз хизмат вазифаларини етарли даражада бажармаган, бириктирилган ҳудудда жиноятчиликни ошиб кетишига йўл қўйган МФЙ раислари ва профилактика инспекторларига нисбатан интизомий чоралар кўриш вазифалари топширилсин.

4. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Атаходжаев):

яшаш манзилларидан узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган шахслар ҳақида ваколатли давлат органлари ва муассасалари томонидан тақдим этилган маълумотларни умумлаштириш, ҳудудий ва марказлашган маълумотлар базасига киритиш ишларини янада кучайтирсин;

узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган, хорижда бўлган даврда жиноят содир этган ёки жиноятдан жабрланган, депортация қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси (сертификат) билан қайтиб келган шахсларнинг ҳисобига доимий аниқлик киритиб борилиб, тегишли ташкилотларни жалб этган ҳолда улар билан профилактик тадбирлар ташкил этсин;

ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда, ўғирлик жинояти объекти бўлиши мумкин бўлган, ўзига тўқ хонадонлар рўйхатини тузиб, уларга замонавий қўриқлаш мосламаси афзалликларини тушинтириш бўйича тағибот ишларларини кучайтирсин;

фирибгарлик жиноятларини кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этиш, телевиденияда видеороликлар ва кўрсатувлар намойиш этиш, оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этиш тадбирларини жадаллаштирсин.

5. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Иминов):

узоқ муддатга хорижга чиқиб кетаётган шахсларнинг, соғлиқни сақлаш ҳамда санитария-гигиенага оид билимларини ошириш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тадбирларини кучайтириш чораларини кўрсин;

узоқ муддат хорижда бўлиб қайтган шахсларни тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилишини таъминласин;

улар орасида ОИТС инфекциясига, сил, таносил, таносил ва

атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш, белгиланган тартибда уларни даволаш чораларини кучайтирсин.

6. Вилоят Бандлик бош бошқармаси (Р.Расулов):

аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича маҳаллалар кесимида самарали чоралар ишлаб чиқсин ҳамда амалга оширсин;

ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда, ишсиз ва бандлиги таъминланмаган шахслар хисобини маҳаллалар кесимида тайёрлаш, айниқса, узоқ муддатга хорижга, меҳнат миграциясига кетиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаб, тегишли чоралар кўриш учун вақотлатли давлат органлари ва муассасаларига таклифлар киритсин;

узоқ муддатга хориждан қайтиб келган шахсларни ишга жойлаштириш чораларини кўриб, бунда фақат умумий тартибда иш ўринларини таклиф этиш билан чекланиб қолмасдан, ҳар бир шахсга индивидуал ёндошиш чораларини кўрсин;

тарғибот-ташвиқот тадбирларини кучайтириб, иш ўринларини яратиш ва меҳнат ярмаркаларини маҳаллаларда ташкил этиш чораларини кўрсин;

“Ёшлар иттифоқи” вилоят кенгаши (М.Абдуллаханова) билан ҳамкорликда, уюлмаган ёшлар рўйхатини тўлиқ шакллантириб, уларни касбий лаёқатидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин;

аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш бўйича зарурий тавсиялар ва амалий ёрдамлар берсин, тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилишини жадаллаштирсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ғ.Муродхужаев, Ш.Мусаев), “Ёшлар иттифоқи” вилоят Кенгаши (М.Абдуллаханова):

вақолатли органлар билан ҳамкорликда, маҳаллаларда узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган ва қайтиб келган шахсларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан профилактик тушунтириш ишларини кучайтирсин;

шахсларнинг узоқ муддатга хорижга чиқиб кетиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаб, ушбу муаммоларини жойида хал этиш чораларини кўрсин;

вилоят бўйича низоли оилалар ва низоли қўни-қўшнилар рўйхатини тузиб, улар билан манзилли профилактик тадбирлар ўтказиш ишлари ташкил

этилсин, асосий эътибор, низога сабаб бўлган муаммоларини “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” тадбирларида муҳокама этиб, бартараф этиш чораларини кучайтирсин;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда, уй жой сотиб олиш, ишга жойлаштириш ёки чет элга ишга бориш, пластик картадаги пулларни нақдлаштириш борасида фуқароларга яратилган қулайликлар, бу борада қабул қилинган, қонун ва қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушинтириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштиради;

бу борада олиб борилаётган тадбирлар бўйича оммавий ахборот воситаларида ёритилишини йўлга қўйсин;

аҳоли ўртасида шахсий мол-мулкига нисбатан хушёр бўлишлари, турли бахтсиз ва кўнгилсиз ҳодисаларни олдини олиш борасида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига бефарқ ҳамда лоқайд бўлмасликлари бўйича тушунтириш ишларини борсин;

турли тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш чоралари кучайтирилсин, бунда ортиқча сарф-харажат, “ким ўзарлик” ва “дабдабозлик”ка йўл қўймаслик, айниқса аёлларнинг ўзлари ўйлаб топган “сохта урф-одат”лари натижасида келиб чиқаётган оилавий низолар, қарздорлик ва уларнинг оқибатида ўғирлик жиноятлари содир этилишлари, фирибгарлар домига тушиб қолишлари борасида тушунтириш ишларини кучайтирсин;

хотин-қизлар кўмиталарининг бошланғич ташкилоларининг фаоллигини ошириб, хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштиради;

Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (Д.Умаралиев) билан ҳамкорликда фарзандларига нафақа тўламасдан юрган шахслар бўйича маҳаллалар кесимида яқка тартибдаги тушунтириш ишларини жадаллаштиради, бунда маҳаллада катта обрўга эга оқсоқоллар, кекса онахонларни жалб этган ҳолда “жамоатчилик таъсирини” кучайтириш чораларини кўрсин;

8. Вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси (И.Қўчқарова) ва Мусулмонлар идораси (А.Турсунов):

шаърий никоҳ, оилавий ажримларни олдини олиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилсин;

маҳаллаларда, имом-хатиблар, айниқса махсус диний таълимга эга бўлмаган, рухсат берилмаган шахслар томонидан, ноқонуний равишда шаърий никоҳ ўқиш ҳолатларига йўл қўймаслик бўйича кескин чора-тадбирлар белгилансин;

аҳоли билан “Оила-муқаддас даргоҳ” мавзусида мунтазам равишда профилактик-огохлантирув тадбирлари ўтказиб борилсин;

“Жума” намозлари ва тўй маросимлар вақтида шаърий никоҳнинг, оилалар ажримининг, шунингдек, фарзандларига нафақа тўламасликнинг салбий оқибатлари, шунингдек, ўз жонига қасд қилишнинг муқаддас динимизда ҳам қаттиқ қораланиши ҳақида аҳолига тушунчалар берилиши кучайтирилсин.

9. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

ҳар куни тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминоген вазияти билан шахсан танишиш ва бунда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратиш;

ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, қилинадиган ишлар таҳлили, ҳисоб-китобини амалга ошириш, жиноятларнинг олдини олиш, ишсиз фуқароларни бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш ва бошқа масалалар бўйича тасдиқланган ҳудудий “Йўл харита”ларининг ижросини қатъий назоратга олиш;

ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Маънавият ва маърифат маркази раҳбарлари ишини янада жонлаштириш;

барча МФЙлар раислари ва профилактика инспекторлари томонидан алоҳида режа асосида ўзларига тегишли бўлган маҳалла ҳудудидаги хонадонларни бирма-бир ўрганиб чиқиш, аниқланган муаммоларни тегишли ташкилот ва хизматларни жалб этган ҳолда жойида ҳал этиш бўйича иш ташкил этиш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириш;

Наманган шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларида оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилиши ҳолатлари ҳар ой якуни бўйича тандқидий кўриб чиқиш ва вилоят ҳокимлигига ахборот тақим этиш;

“Хавфсиз шаҳар” концепцияси асосида, барча корхона-ташкilotлар, муассасалар раҳбарлари билан тушунтириш ишлари жадаллаштирилиб, видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш ишлари кучайтириш топширилсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Султанов), Ички ишлар (А.Атаходжаев), Транспорт (А.Абдулходиев), Йўллардан фойдаланиш (А.Хамдамов) бошқармалари, Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ходисаларини олдини олиш мақсадида автомобил йўлларини таъмирлаш, тунги вақтларда ёритилиши ҳамда зарурий йўл белгиларини ўрнатиш борасидаги амалий тадбирларни жадаллаштирасин;

Давлат солиқ идоралари томонидан ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчиларни аниқлаш бўйича мақсадли рейдлар ташкил этсин;

вилоят автомобиль йўлларида ўтказилган назорат кўригида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни белгиланган муддатларда ҳамда сифатли баратараф этишларини таъминласин;

шаҳар ва туманлар ҳудудидаги йўловчи ташиш ва транспорт хизмати кўрсатишга ихтисослашган ташкilot ва муассасалар, юк ташиши транспорти мавжуд бўлган қурилиш-пудрат ташкilotларида йўл ҳаракати қоидалари ва техника хавфсизлигига риоя этилиши ҳолатини тизимли равишда мониторинг қилсин;

юридик ташкilot ва корхоналар томонидан оғир оқибатли ЙТХларнинг олдини олиш мақсадида, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи ҳамда махсус транспорт воситаларини техник тайёргарлигини ошириш, техник талабларга жавоб беришларини таъминлаш чораларини кўриб борсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov